

УЎТ: 631, 633.854.78, 631.563.5.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА КУНГАБОҚАР НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ СХЕМАСИНИНГ ТАЪСИРИ

Сейтбаев Раўаж Сарсенбаевич, лаборатория мудири қ.х.ф.ф.д., к.и.х.

<https://orcid.org/0009-0000-8209-5776>

Сапарова Зийўар Мусаевна, лаборант

<https://orcid.org/0009-0009-9087-8338>

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

«Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехнологияси ва тупроқ унумдорлиги» лабораторияси

Аннотация. Ушбу мақолада кунгабоқар ўсимлигининг ҳосилдорлигига экиш схемасининг таъсири келтирилган. Бунда умумий ҳосил бўйича олинган тадқиқот натижаларига асосан барча кунгабоқар навларида 60x30–1 бўлган экиш схемасида умумий ҳосил юқори бўлган, тажрибада қўлланилган навлар орасида энг юқори умумий ҳосил кўрсаткичи “КК-52” навида кузатилган, “КК-1” навида нисбатан 5,9 ц/га; ва “КК-60” навида нисбатан 3,1 ц/га юқори ҳосил олинган.

Калит сўзлар: кунгабоқар навлари, экиш схемаси, дала кўзатув, андоза нав, таққослаш, ҳосилдорлик, саватча, маҳсулдорлик, 1000 дона уруғ вазни.

Аннотация. В данной статье представлено влияние схемы посадки на урожайность растения подсолнечника. При этом, по результатам исследований, полученных по общему урожаю, у всех сортов подсолнечника при схеме посадки 60x30-1 был получен высокий общий урожай, среди сортов, использованных в эксперименте, самый высокий показатель общего урожая наблюдался у сорта «КК-52», который был на 5,9 ц/га выше, чем у сорта «КК-1»; и на 3,1 ц/га выше, чем у сорта «КК-60.»

Ключевые слова: сорта подсолнечника, схема посева, полевой наблюдение, стандартный сорт, сравнение, урожайность, корзина, продуктивность, масса 1000 семян.

Abstract. This article presents the influence of the planting scheme on the yield of sunflower plants. At the same time, according to the research results obtained from the total yield, high total yield was obtained from all sunflower varieties with a 60x30-1 planting scheme, among the varieties used in the experiment, the highest total yield indicator was observed in the “КК-52” variety, which was 5.9 c/ha higher than the “КК-1” variety; and 3.1 c/ha higher than the “КК-60” variety.

Keywords: sunflower varieties, sowing scheme, field observation, standard variety, comparison, yield, basket, productivity, 1000 seed weight.

Кириш. Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ-иқлим шароитларида қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда кўплаб муаммолар учрайди. Худудларда тупроқнинг шўрланиши, ер ости сизот сувлари минераллашувининг ортиб бориши экинлар ҳосилдорлигига ва тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун нисбатан шўрга, курғоқчиликка ҳамда табиатнинг экстремал шароитларига чидамли экин турларини яратиш ҳамда ушбу экин турларига мос агротехнологияларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, техника таъминотини яхшилаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини оширадиган қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига дуқакли ҳамда мойли экин турларини киритиш қишлоқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Т.П.Титов [3] нинг ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, Саратов ўнг қирғоқлари шароитида кунгабоқар ҳосилдорлигига абиотик омилларнинг таъсири биринчи марта баҳоланган. Зонал шароитларга мослашган ва энг самарали - Степной 81 ва Скороспелый 87 генотиплари аниқланган. Степной навининг кўчат қалинлиги 81-55 минг, Скороспелый 87-55 минг дона/га бўлиши 2 тоннадан зиёд юқори сифатли кунгабоқар мойларининг барқарор ишлаб чиқарилишини таъминлаши аниқланган.

Лощкомойников И.А., Пузиков А.Н [2] ларнинг таъкидлашича, кунгабоқарнинг кўчат қалинлиги ортиши ўсимликларнинг поянсининг урғинига ва уруғнинг мой микдорининг ортишига олиб келган, аммо саватчаларнинг диаметри ва 1000

дона уруғининг массасини пасайтирган. Омск вилоятида кунгабоқарнинг қандолатчилик йўналишидаги нави учун 20-30 минг дона/га ўсимлик сонини оптимал деб қараш мумкин. Максимал даражада мой олиш учун кунгабоқарнинг мой йўналишидаги навлари учун гектарига кўчат сони 70 минг донадан ошмаслиги керак.


Л.Турсунов [4] ва бошқаларнинг маълумотига кўра, кунгабоқарнинг уруғ нормаси 6 кг/га, 90 см қатор ораллигида пушта устига экилган. Экиш билан бир вақтда 120 кг/га фосфор ва 70 кг/га калий соф ҳолда берилган. Хоразм вилоятининг ўтлоқи – аллювиал тупроқлари шароитида кунгабоқарнинг Сур ва Веля навлари бирмунча юқори ҳосил бериш имкониятига эгаллиги аниқланган. Жумладан, Хоразм вилояти ўтлоқи-аллювиал тупроқларида кунгабоқарнинг Сур нави 2,5 т/га дан ҳосил берган.

Материаллар ва услублар. Бизнинг тадқиқотларимиз Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида дала ва лаборатория шароитида олиб борилди. Барча дала кузатувлари “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” [1] бўйича олиб борилди.

Натижалар ва мунозара. Кунгабоқар навлари ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар 1–расмда келтирилган.

Кондицияли уруғ – бу экинбоплик сифатлари Давлат стандартининг ҳамма талабларига жавоб берган уруғлардир. Кондицияли уруғнинг чиқиши “КК-1” назорат навини 60x20-1 схемада экилганида 86,8% ни ташкил қилган бўлса, 60x25-1 схемада экилганида 87,0% бўлиб, 0,2% га ошган 60x30-1 экиш

Кунгабоқар навлари ҳосилдорлик кўрсаткичлари



ЭҚҲФ₀₅ 1-расм. Кунгабоқар навлари ҳосилдорлик кўрсаткичлари 0,4

схемасида 88,0% ни ташкил қилган. Озиқланиш майдони кичик бўлган вариантларга нисбатан кондицион уруғ озиқланиш майдони катта бўлган 60x30-1 экиш схемасида 1, ва 1,2 % ошгани аниқланди.

“КК-60” навидан кондицияли уруғнинг чиқиши 60x20-1 схемада экилганида 87,3% ни ташкил қилган бўлса, 60x25-1 схемада экилганида 88,0% бўлиб, 0,7% га ошган, 60x30-1 экиш схемасида 88,7% ни ташкил қилган. Озиқланиш майдони кичик бўлган вариантларга нисбатан кондицияли уруғлар озиқланиш майдони катта бўлган 60x30-1 экиш схемасида 1,4, ва 0,7% ошгани аниқланди.

Тажрибадаги КК-52 навидан кондицияли уруғларнинг чиқиши назорат ва “КК-1” навиға нисбатан юқори бўлиши кузатилди. Иккала навда кондицияли уруғлар деярлик бир хил миқдорда бўлиши аниқланди, аммо “КК-52” навиға кондицияли уруғлар экиш схемалари бўйича 1,8 ва 1,3 % га кўпроқ бўлиши аниқланди.

Жадвал маълумотларига асосан, энг юқори ҳосил тажрибада “КК-1” назорат навиға озиқланиш майдони юқори 1800 см² бўлган 60x30-1 экиш схемасида (22,3 ц/га) бўлди.

Озиқланиш майдони 1200 см² бўлган 60x20-1 экиш схемасида ҳосилдорлик 20,3 ц/га бўлиб, 2,3 ц/га камайганлиги аниқланди, озиқланиш майдони 1500 см² бўлган 60x25-1 экиш схемасида ҳосилдорлик 21,5 ц/га бўлиб, 0,8 ц/га камайиши кузатилди. “КК-60” навиға озиқланиш майдони 1800 см² бўлган 60x30-1 экиш схемасида 25,1 ц/га уруғ ҳосили олинди. Озиқланиш майдони 1200 см² бўлган 60x20-1 экиш схемасида ҳосилдорлик 23,2 ц/га бўлиб, 1,9 ц/га камайганлиги аниқланди, озиқланиш майдони 1500 см² бўлган 60x25-1 экиш

схемасида ҳосилдорлик 24,1 ц/га бўлиб, 1,0 ц/га камайиши кузатилди.

“КК-52” навиға озиқланиш майдони 1800 см² бўлган 60x30-1 экиш схемасида 28,2 ц/га уруғ ҳосили олинди. Озиқланиш майдони 1200 см² бўлган 60x20-1 экиш схемасида ҳосилдорлик 26,1 ц/га бўлиб, 2,1 ц/га камайганлиги аниқланди, озиқланиш майдони 1500 см² бўлган 60x25-1 экиш схемасида ҳосилдорлик 27,3 ц/га бўлиб, 0,9 ц/га камайиши кузатилди.

“КК-60” навидан экиш схемалари ёки озиқланиш майдони бўйича олинган ҳосил “КК-1” назорат навидан олинган ҳосилга нисбатан юқори бўлиши аниқланди. Бунда экиш схемалари ёки озиқланиш майдони бўйича қуйидаги кетма-кетликда ҳосил юқори бўлган; 2,9 ц/га, 2,6 ц/га, ва 2,8 ц/га.

“КК-52” навидан экиш схемалари ёки озиқланиш майдони бўйича олинган ҳосил “КК-1” назорат нави ва “КК-60” навларидан олинган ҳосилга нисбатан юқори бўлиши аниқланди. Бунда экиш схемалари ёки озиқланиш майдони бўйича “КК-1” назорат навиға нисбатан қуйидаги кетма-кетликда юқори ҳосил олинган; 5,8 ц/га, 5,8 ц/га, ва 5,9 ц/га. “КК-60” навиға нисбатан қуйидаги кетма-кетликда юқори ҳосил олинган; 2,9 ц/га, 3,2 ц/га, ва 3,1 ц/га.

Хулоса. Умумий ҳосил бўйича олинган тадқиқот натижаларига асосан барча кунгабоқар навларида 60x30–1 бўлган экиш схемасида умумий ҳосил юқори бўлиб, тажрибада қўлланилган навлар орасида энг юқори умумий ҳосил кўрсаткичи “КК-52” навиға кузатилиб, “КК-1” навиға нисбатан 5,9 ц/га; ва “КК-60” навиға нисбатан 3,1 ц/га юқори ҳосил олинди.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, ЎзПТИ, 2007. 146-б.
2. Лошкормойников И.А., Пузиков А.Н. Густота стояния, урожайность и качество семян подсолнечника в условиях Омской области// Земледелие. 2009. №8. С. 20-22.
3. Титов Т.П. Экологические аспекты формирования высоко продуктивных агросеносов подсолнечника в Саратовском Правобережье// Автореф. дис. кандидат сельскохозяйственных наук Саратов. 2006. С-14-16.
4. Турсунов Л., Егамбердиев О., Анарбаев И. Хоразм вилояти сугориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида мойли екин –кунгабоқарни етиштириш агротехникаси. “Ўзбекистонда мойли ва толали екинларни етиштириш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган янги технологиялар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. Т.2011.Б.16-17.